

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИБРАГИМОВ ШАВКАТ НАРЗИКУЛОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎСМАЛАРНИ ДАВОЛАШДА
ЯНГИ МАҲАЛЛИЙ ЎСМАГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАР
КОЛХАМИНОЛ ВА КОЛХАМЕТИНЛАРНИНГ
РАДИОСЕЗУВЧАНЛИК ТАЪСИРИ**

**14.00.14 – Онкология
14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Ибрагимов Шавкат Нарзикулович

Экспериментал ўсмаларни даволашда
янги маҳаллий ўсмага қарши препаратлар
колхаминол ва колхаметинларнинг
радиосезувчанлик таъсири 3

Ибрагимов Шавкат Нарзикулович

Радиосенсибилизирующее действие
новых отечественных противоопухолевых
препаратов колхаминола и колхаметина
в лечении экспериментальных опухолей 25

Ibragimov Shavkat Narzikulovich

Radiosensitizing effect of new local
anticancer drugs colchaminol and colchametin
in the treatment of experimental tumours 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ИБРАГИМОВ ШАВКАТ НАРЗИКУЛОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎСМАЛАРНИ ДАВОЛАШДА
ЯНГИ МАҲАЛЛИЙ ЎСМАГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАР
КОЛХАМИНОЛ ВА КОЛХАМЕТИНЛАРНИНГ
РАДИОСЕЗУВЧАНЛИК ТАЪСИРИ**

**14.00.14 – Онкология
14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib200 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тилляшайхов Мирзагалёб Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжибеков Марат Худайкулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джураев Миржалол Дехқонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кадирова Дилбар Абдуллаевна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қозоғистон онкология ва радиология илмий-текшириш институти (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019. Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ кунини соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+998)71-227-13-27; факс: (+998)71-246-29-78; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+998)71-227-13-27; факс: (+998)71-246-29-78; e-mail: info@cancercenter.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунини тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

М. А. Гафур-Ахунов

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

А. А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М. Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда онкологик касалликлар инсон саломатлигига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий тиббий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «... саратон дунёда ўлимнинг иккинчи асосий сабабчиси бўлиб, амалда дунёдаги ҳар олти ўлимнинг бирига сабаб бўлмоқда ...»¹. Ўсмаларни даволашда қўлланиладиган усуллар орасида нур терапияси асосий ўринларда туради. Аммо, стандарт нур терапиясининг имкониятлари ўсмаларни радикал даволаш учун зарур бўлган юқори дозаларда нур беришнинг иложи йўқлиги сабабли чекланган. Бундай шароитда умумий дозани оширишга қаратилган ҳар қандай уриниш нурдан кейин кузатиладиган жиддий шикастланишлар хавфи билан боғлиқ. Холбуки, нур бериш ускуналари ва қўллаш усулларини такомиллаштириш асосий йўналиш бўлиб қолмасдан, балки ўсмаларнинг радиацияга сезувчанлигини оширишга қаратилган тадбирлар эътиборга молик. Бу ҳолат нур терапиясининг асосий вазифаларини ҳал қилишни, яъни нормал ва ўсма тўқималарининг радиосезувчанлик доирасини кенгайтиришни янги усулларини излашга ундайди. Дозани оширмасдан ҳам ионлаштирувчи нурланиш таъсирини маҳаллий гипертермия, гипергликемия, радиосезгирликни оширувчи воситалар - метронидазол ва унинг ҳосилалари, шунингдек нурланиш таъсирини кучайтирадиган кимё-терапевтик препаратлар қўллаш орқали ҳам эришиш мумкин. Радиацион терапия таъсирини кучайтириш хусусиятига эга ўсмага қарши дориларни қўллаш энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, радиация ДНКнинг битта ёки иккита ипини узиб, ДНК синтезини бузилишига олиб келади. Бир қаторли узилишлар тезда тикланади ва иккита ипнинг узилишлари аста-секинлик билан тикланади ёки умуман тикланмайди, натижада ҳужайралар ўлимига олиб келади. Шундай қилиб, ДНКнинг шикастланишига олиб келадиган ёки ДНКни тикланишига халақит берадиган кимё-терапевтик дорилар кимё-радиотерапия учун энг истиқболли йўналиш ҳисобланади. Ушбу маълумотларнинг пайдо бўлиши топоизомеразалар фаолиятини сусайтириш орқали ДНК шикастланишини тиклаш жараёнларига таъсир кўрсатадиган дориларни қидиришни тақозо этади. Радиосенсибилизаторлик таъсирга эга биринчи цитотоксик воситалар: ДНК шикастланишининг ортишига олиб келадиган цисплатин ва ДНКнинг тикланишига тўсқинлик қилувчи 5-фторурацил шу асосда таклиф қилинган. Цисплатин ва 5-фторурацил ҳозирги вақтда АҚШ Миллий Саратон Институти (NCI) томонидан маҳаллий тарқалган бачадон бўйни ва анал канал саратони ҳамда бошқа ўсмалар билан оғриган беморларни даволашда

¹ World Health Organization: Cancer. World Health Organization website 2019. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/cancer>

стандарт ёндашув сифатида қаралмоқда (Carlomagno C., Farella A., 2009; Гладилина И.А., 2011).

Ҳозирги кунда мамлакатимизда маҳаллий ўсимлик хом-ашёсидан тайёрланадиган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган ўсмага қарши дори воситаларини яратиш зарурати яққол намоён бўлмоқда. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида (РИОваРИАТМ) ишлаб чиқилган колхаминдан синтез қилиб олинган колхаминол (К-19) ва колхаметин (К-2) ўсмага қарши препаратларининг радиосенсибилизаторлик фаоллиги тахмин қилинади (Еникеева З.М., 2016). Колхаминол ва колхаметиннинг нурланиш билан биргаликдаги таъсирини интакт ҳайвонларда ўрганиш уларнинг колхициндан кўра кўпроқ нур самарасини оширишини кўрсатди. Бу маълумотлар ушбу препаратларни хавфли ўсмали ҳайвонларда радиосезувчанлик хусусиятини ўрганиш учун қизиқиш уйғотди.

Ушбу диссертация маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган вазифаларни ҳамда 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2866-сонли Қарорида кўрсатилган «...саратон эпидемиологияси ва хавфли ўсмалар ривожланишининг молекуляр-биологик механизми, ўсмага қарши маҳаллий препаратларни ишлаб чиқиш соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш...» вазифасини ва бошқа соҳага оид қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлашга хизмат қилади².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Энг аввало нур терапияси самараси бирламчи тўқимадаги ўсма ҳужайраларининг радиосезгирлик даражасига боғлиқ. Шу сабабли ўсма ҳужайраларининг нурга сезгирлигини ошириб, нормал ҳужайраларни химоя қилиш усуллари яратиш радиобиология ва клиник радиологиянинг асосий

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2866-сонли Қарори.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.northwestern.edu; www.english.cams.cn; www.cqmu.edu.cn; www.muhs.ac.in; www.gustaveroussy.fr; www.ups.upenn.edu; www.ichilov-israel.com; www.medical-express.ru; germanii/frankfurt-na-maine; www.medical-express.ru; interbalkan; www.medical-express.ru; webmaster@siu.edu; protocollo@pec.unicampania.ito; research@uantwerpen.be; www.by.uclcancer ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўсма хужайралари ва соғлом тўқималар ўртасидаги радиосезгирлик интервалини оширишга қаратилган изланишлар узоқ йиллар давомида олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда АҚШнинг Алабама Университетида цетуксимабнинг радиомодификаторлик хусусиятлари хусусида, Италиянинг «Федерико II» Университетида эса капецитабин ва оксалиплатинларнинг нур таъсирини ошириш имкониятлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. АҚШнинг Вандербилт Университети радиацион онкологлари томонидан (EGFR) эпидермал ўсиш факторининг кўшма рецепторлари ва нурланиш комбинациясини самараси борасида, Кореянинг Теджин Университетида колхициндан олинган воситаларнинг радиосенсибилизаторлик таъсирини ўрганиш бўйича изланишлар ўтказилган. Россия Федерациясининг йирик онкологик илмий марказларида нур терапияси самарасини ошириш мақсадида турли агентлар, жумладан электрон-акцептор бирикмалари, ўсмага қарши препаратлар, моноклонал антитаначалар, физик омиллар ўрганилмоқда. Қозоғистон олимлари эса ўсма ичи радиосенсибилизацияси устида тадқиқотлар ўтказишмоқда.

Колхаминдан синтез қилинган колхаминол ва колхаметин ўсмага қарши препаратларининг митотик фаоллиги АҚШнинг Пенсильвания тиббиёт марказида цитофлюориметрик усул ёрдамида текширилган. Колхаминол ва колхаметиннинг токсик таъсири, ўсмага қарши ҳамда радиосезувчанлик таъсири интакт сичқонларда РИОваРИАТМ илмий лабораторияларида ўрганилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий изланишларнинг устувор йўналишларидан бири бу хавfli ўсма билан касалланган беморларни даволашнинг консерватив, органларни сақлайдиган усулларини ишлаб чиқишдир. Шу муносабат билан хавfli ўсма касалликларини комплекс даволашда нур терапиясининг ўрни ортиб бормоқда.

Ўсмалар радиосенсибилизацияси соҳасида иш олиб борган тадқиқотчилар ўсма ва соғлом хужайраларнинг радиофаоллигини сезиларли фарқини таъминлаш мумкин деган хулосага келишган. Бу фарқ касалланган хужайраларга тўлиқ зарар етказган ҳолда соғлом хужайралар фаолиятини сақлаб қолиши лозим (Канаев С.В., 2008; Kaur P., Hurwitz M.D., 2011).

ДНКнинг шикастланиши орқали нур терапиясининг таъсирини кучайтирадиган ёки топоизомеразаларнинг фаоллигини йўқотиш орқали ДНКни тикланишига халақит берадиган ўсмага қарши воситаларни қўллаш энг истиқболли йўналиш бўлиб кўринади. Колхицин ва колхамин илгари ҳам беморларни нур билан даволашда ишлатилган (Вермель Е.М., 1967; Kim S.K., Cho S., 2013). Маҳаллий «кузги савринжон» (*Colchicum autumnale*) ўсимлигидан ажратилган колхамин алкалоидидан олинган ярим синтетик колхаминол (К-19) ва колхаметин (К-2) препаратлари ўзининг кенг таъсири, ўсмага қарши ва радиосезувчанлик фаоллиги, паст токсик даражаси билан

ажралиб туради. Ушбу препаратларнинг фаоллиги АҚШнинг Саратон Миллий институтида 60 та инсон ўсма линияларида *in vitro* ўрганилган. Интакт сичқонларда колхаминол ва колхаметиннинг нур билан қўллагандаги реакцияси ўрганилганда, уларнинг нур самарасини мос равишда ДЎФ (ФИД) 0,72 ва 0,78 га қадар ошиши қайд этилган. К-2 ва К-19 препаратлари АҚШда ўтказилган цитофлюориметрик тадқиқотда синхронизаторлик хусусиятини намоён этиб, ҳужайраларни нурга сезувчан ҳисобланган М фазада максимал тўплаши аниқланган (Диёров Ж., 2010).

Бу хулосалар бизни ушбу препаратларни хавфли ўсмали ҳайвонларда радиосезувчанликни ошириш воситаси сифатида қўллашга ҳамда нурланиш билан биргаликда ишлатиш учун энг мақбул режимларни яратишга ундади.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида амалга оширилган АДСС 15.9.4. «Маҳаллий ўсимлик хом-ашёсидан ўсмага қарши таъсир этувчи янги препаратлар яратиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилди (2015-2017).

Тадқиқотнинг мақсади турли ўсма штаммали ҳайвонларда янги маҳаллий ўсмага қарши колхаминол ва колхаметин препаратларининг радиосенсибилизаторлик таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экспериментал ўсмалар нур терапияси самарасини колхаминол ва колхаметин препаратларини қўллаш орқали оширишнинг мақбул режимларини аниқлаш (дозаси ва қабул қилиш вақти бўйича);

турли ўсма штаммали ҳайвонларда бир марталик ва кўп фракцияли нурланиш режимларида колхаминол ва колхаметинни қўлланилишини ўрганиш;

Уокер карциносаркомали каламушларда колхаминол ва колхаметиннинг ўсма ичига юборилгандаги радиосезувчанлик таъсирини ўрганиш;

колхаметин ва колхаминолнинг нурланиш билан бирга қўлланганда ҳайвонларнинг иммун статуси ва гемопозизига таъсирини ўрганиш;

колхаминол ва колхаметиннинг митотик фаоллиги, нуклеин кислоталарнинг синтезига таъсири, I ва II топоизомеразалар фаолиятига ҳамда талоқдаги колония ҳосил қилувчи бўлинмаларга таъсири орқали радиосезувчанлик механизмини ўрганиш.

Тадқиқот объекти сифатида РИОваРИАТМ лабораториясида синтез қилинган колхаминол ва колхаметин препаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида саркома 180, Эрлих солид ўсмаси, Уокер карциносаркомаси ва саркома 45 ўсма штаммалари трансплантация қилинган 952 та сичқонлар ва 267 та тажриба каламушлари ўрганилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда экспериментал онкология усуллари, иммунологик, патоморфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саркома 180, Эрлих солид ўсмаси, Уокер карциносаркомаси ва саркома 45 штаммали ҳайвонларда колхаминол ва колхаметиннинг радиосезувчанлик фаоллиги исботланган;

колхаминол ва колхаметиннинг нурланиш билан биргаликда қўллаганда синергик самара берадиган, иммун статусга ижобий таъсир кўрсатадиган мақбул режимлари ишлаб чиқилган;

Уокер карциносаркомали каламушларда колхаминол ва колхаметин интратуморал юборилганда нурланиш таъсирини ошириши исботланган;

колхаминол ва колхаметин препаратларини камайтирилган дозадаги нурланиш (3Гр) билан қўллаганда нурнинг салбий таъсирлари камайиб, уларнинг қўшма таъсири нурланишнинг 4,5Гр ва 6Гр дозадаги таъсиридан юқори бўлиши исботланган;

колхаминол ва колхаметинни нурланиш билан биргаликда қўллаганда радиосезувчанлик даражаси нурнинг 5-фторурацил билан ўша дозаларда қўллашдан кўра анча юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагича:

экспериментда колхаминол ва колхаметиннинг (К-19 ва К-2) нурланиш билан биргаликда қўллашнинг мақбул схемалари аниқланиб, улардан кейинчалик одам ўсмаларини даволашда фойдаланиш имконияти яратилган;

нурланишнинг амалдаги параметрлари билан колхаминол ва колхаметинни биргаликда қўллашнинг янада самарали даволаш имкониятлари асослаб берилган;

ўрганилаётган препаратлар ёрдамида камайтирилган нурланиш остида ҳам амалиётдаги нурланиш эффекига тенг самара олиш мумкинлиги аниқланган;

колхаминол ва колхаметин препаратларининг ўсма ичига юборилганда нурланиш таъсирини кучайтириши асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги етарли миқдордаги ҳайвонлар ва ўсма моделларида ўтказилган экспериментал онкология текшириш усуллари, патоморфологик, иммунологик ҳамда статистик текширувлар натижалари билан тасдиқланган. Барча натижалар ва хулосалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, янги маҳаллий ўсмага қарши препаратларнинг радиосезувчанлик фаоллиги саркома 180, Эрлих солид

ўсмаси, Уокер карциносаркомаси ва саркома 45 ўсмали ҳайвонлар билан ўтказилган экспериментларда асосланганлиги сабабли нур терапиясининг имкониятлари янада кенгайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти экспериментал тадқиқотларда исботланган препаратларнинг радиосезгирлик фаоллигидан нур терапиясини самарасини ошириш билан бир қаторда нурланишнинг салбий таъсирини камайтиришда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда колхаминол ва колхаметинни ўсмани ичига юбориш орқали ҳам нурланиш таъсирини ошириш имкони борлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хавфли ўсмалар нур терапиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида 2 та услубий тавсиянома «Онкологик патологияларни даволашда нур таъсирини кучайтириш усули» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 8н-р/479-сон маълумотномаси) ва «Хавфли ўсмаларни даволашда ўсма ичи радиосезувчанлигини ошириш усули» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 8н-р/480-сон маълумотномаси) мавзуларида тайёрланган.

Экспериментда хавфли ўсмаларни нур терапиясида радиосезгирликни ошириш ҳисобига даволаш самарасини яхшилашга қаратилган илмий иш натижалари Тошкент тиббиёт академиясининг олий ўқув юртлараро илмий-тадқиқот лабораториясининг биологик тадқиқотлар бўлими ҳамда Тошкент фармацевтика институтининг координацион бирикмалар ва биологик фаол моддаларни фармако-токсикологик тахлили илмий-тадқиқот лабораторияси амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 13 ноябр 8н-я/269-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотнинг таклиф этилган натижалари асосида хавфли ўсмаларни нур давоси самараси ўртача 33% га ошган, радиацион терапиянинг гемопоезга ва иммунитетга салбий таъсирлари камайган ҳамда нурланишнинг камайтирилган дозаларида ҳам юқори натижаларга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан 16 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган нашрлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Нур терапияси самарасининг ошириш имкониятлари»** деб номланган биринчи бобда адабиётлар шарҳи берилган. Бунда адабиётлардаги нурланиш таъсирини оширишга қаратилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Онкологияда қўлланилган таниқли радиосенсибилизаторлар (метронидазол, мизонидазол, саназол, 5-фторурацил, арглабин, цисплатин, этопозид), ҳамда колхицин ва унинг ҳосилаларини қўллашнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида маълумотлар тақдим этилган. Бундан ташқари АҚШ Миллий Саратон Институтида *in vitro* ўрганилган ва ундан кейин РИОваРИАТМда интакт ва ўсмали ҳайвонларда *in vivo* тажрибалари ўтказилган янги К-2 ва К-19 препаратларининг токсиклиги ҳамда ўсмага қарши фаоллик даражаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

«Радиосенсибилизаторликни ўрганиш материали ва усуллари» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобда янги ўсмага қарши колхаминол ва колхаметин препаратларининг, ўсма моделларининг, экспериментал ҳайвонларнинг ҳамда тадқиқотда фойдаланилган текширув усуллариининг умумий тавсифи келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида РИОваРИАТМ лабораториясида яратилган колхаминол (К-2) ва колхаметин (К-19) препаратлари ўрганилган. Тадқиқот 952 та 18-23 г массага эга тажриба сичқонлари ва массаси 100-150 г бўлган 267 та тажриба каламушларида ўтказилган.

К-2 ва К-19 препаратларининг ўсмага қарши ва радиосезувчанликни ошириш фаоллиги нурланишнинг бир марталик ва кўп марталик режимига қараб сичқонларда саркома 180 ва Эрлих солид ўсмаси штаммлари трансплантациясидан кейин, каламушларда эса Уокер карциносаркомаси ёки саркома 45 штаммаси трансплантациясидан сўнг ўтказилган. Ўсма штаммлари трансплантацияси маълум услублар ёрдамида, жумладан 30-60мг ўсма аралашмасини 20 г ҳайвон оғирлигига 0,3 мл ҳисобидан ҳайвонлар териси остига юбориш орқали амалга оширилган (Трещалина Е.М., 2005).

Ҳайвонларда даволаш муолажалари трансплантациядан 10-15 кундан сўнг бошланган (етилган ўсмаларда препаратлар таъсирини ўрганиш учун). Препаратлар бир мартада нур беришдан 16 соат аввал сичқон ёки каламуш брюшинаси ичига юборилиб, сўнгга Co^{60} нур манбасига эга, радиофаоллиги

1,25 МэВ бўлган гамматерапевтик «THERATRON -780-E» ускунасида умумий бир марталик 7,5 Гр, 6 Гр, 4,5 Гр ва 3 Гр дозаларда ва кўп марталик, яъни 4,5 Гр ва 3 Гр нур дозаларини учга бўлган ҳолда (1,5 Гр х 3 ва 1 Гр х 3) ўрганилган. Ҳайвонлар махсус тешикли кўрғошинли пластинкалар ёрдамида ҳимояланган. Каламушлардаги ўсмаларга 8,5 Гр ва 7 Гр дозаларда нур берилган. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларга препаратлар юбориладиган кунларда худди шу ҳажмда физиологик эритма қилинган. Даволаш муддати тугагандан 7 кун ўтиб ҳайвонлар лаборатор ҳайвонлар учун белгиланган тартибга кўра жонсизлантирилган. Препаратларни қўллаш ёки нур беришдан олдин ҳамда тажриба якунида ҳайвонлар тана массаси ўлчанган. Экспериментдаги ва назорат гуруҳидаги ҳайвонларда ўсманинг ўсиш динамикаси ҳар 5 кунда, то ўлдирилгунга қадар 3 ўлчамда ўлчаш орқали амалга оширилган. Ўсма ўсишининг тўхташи (ЎЎТ) формула орқали ўсма ҳажми (V) ва ўсма массаси (M) асосида аниқланган (Трещалина Е.М., 2005): $ЎЎТ = \frac{V_k - V_o}{V_k} \times 100$ ва $ЎЎТ = \frac{M_k - M_o}{M_k} \times 100$.

Иммун статус кўрсаткичлари ЎЗР ФА иммунология ва инсон геномикаси институти услубий тавсияномаларига асосан тажриба якунида ҳайвонлар қонини текшириш орқали аниқланган (Залялиева М.В., 2004).

Ўтказилган даво муолажаларига ўсманинг таъсирчанлиги гистологик жиҳатдан Г. А. Лавникованинг (1978) даволаш патоморфози таснифномасига асосан баҳоланган.

К-2 ва К-19 препаратларининг нуклеин кислотаси синтези, ўсма ҳужайраларининг нуклеосомлараро деградацияси ва топоизомеразалар фаоллигига таъсири Т.Маниатис (1984) усулида аниқланган. К-2 ва К-19 препаратларининг талокдаги колония ҳосил қилувчи бўлинмаларга таъсири Till J.E. ва McCulloch E.A. (1961) усулида ўрганилган.

«Турли хил ўсма штаммаларида нурланишнинг ҳамда колхаминол ва колхаметинларнинг ўсмага қарши 50% самара берадиган дозаларини аниқлаш» номли диссертациянинг учинчи бобида ушбу препаратларнинг ўсма штаммали ҳайвонларда қўллаш натижалари келтирилган. Препаратларнинг радиосезгирлик таъсирини аниқлаш учун аввало нурланишни бир марталик ва кўп марталик қўлланишида ўсмага қарши 50% ли дозасини аниқлаш зарур бўлади. Турли хил ҳайвонларда нурланишнинг оптимал дозаларини танлаш узок тарихга эга бўлсада, ҳар бир экспериментда ҳайвоннинг тури ва унга трансплантация қилинган ўсма хусусиятидан келиб чиқиб нурланиш дозасини аниқлаш зарур.

Ушбу тадқиқотда К-2 ва К-19 препаратларининг ўсмага қарши ва радиосезувчанликни оширувчи фаоллиги сичқонларда саркома 180 ва Эрлих солид ўсмаси (ЭСЎ) штаммалари трансплантациясидан кейин, каламушларда эса Уокер карциносаркомаси (УКС) ва саркома 45 штаммаси трансплантациясидан кейин ўрганилган. 1-жадвалда нурланишнинг 50% га яқин ўсмага қарши самара берувчи дозалари келтирилган.

Тажриба сичқонлари саркома 180 ва ЭСЎ трансплантациясидан 10-22 кун ўтиб 7,5 Гр ва 6 Гр дозада нурлантирилганда, 98-73% интенсивликни кўрсатган. Бу ҳолат эса препаратларнинг радиосезгирлик таъсирини ўрганиш имкониятини бермайди. Нурланишнинг 4,5 Гр ва 3 Гр дозалари мос равишда 65-56% ва 36-41% ўсмага қарши самара кўрсатган. Қаламушларда эса нурланишнинг 8,5 Гр дозаси 83-87% ўсма ўсишини тўхташини (ЎЎТ) кўрсатган, 7Гр дозада - 43-58%. Шу сабабли кейинги тадқиқотларда 20% ҳайвонларда ўлим кузатилган бўлсада 7 Гр нурланиш дозаси қўлланилган.

Бундан ташқари тажриба сичқонлари ва каламушларида колхаминол ва колхаметиннинг бир марталик қўлланишдаги 50% ли ўсмага қарши самара берадиган дозаси ҳам экспериментда танлаб олинган. К-19 учун оптимал доза сифатида 80 мг/кг ва 52 мг/кг сичқон ўсмаларида ҳамда 50 мг/кг – каламуш ўсмаларида, К-2 препарати учун: 150 мг/кг сичқон ўсмаларида ва 100 мг/кг – каламуш ўсмаларида танланган.

1-жадвал

Сичқон ва каламушларнинг 4 та ўсма штаммларида нурланишнинг ўсмага қарши фаоллиги (бир марталик ва кўп марталик нурланиш)

Нур дозаси, Гр	Сичқонлар				Қаламушлар			
	Саркома 180		ЭСЎ		УКС		Саркома 45	
	ЎЎТ %	ўлим %	ЎЎТ %	ўлим %	ЎЎТ %	ўлим %	ЎЎТ %	ўлим %
8,5					81-86	20	83-78	30
7,5	98-96	50	92	50				
7					57-37	20	43-36	20
6	80-78	30	73	25				
4,5	66-65		63-58					
1,5x3	51-52							
3	36-41		16-41					
1x3	39-40							

Изоҳ: ўсма ўсишини тўхтатиши (ЎЎТ) ўсма ҳажмига ва массасига нисбатан олинган.

«Сичқонларнинг турли ўсма штаммларида колхаминол ва колхаметиннинг радиосенсибилизаторлик таъсирини ўрганиш» номли тўртинчи бобида ҳамда «Қаламушларнинг турли ўсма штаммларида колхаминол ва колхаметиннинг радиосенсибилизаторлик таъсирини ўрганиш» номли бешинчи бобида икки тур ҳайвонларда К-2 и К-19

препаратларининг радиосезувчанликка таъсирини ўрганиш натижалари ёритилган.

Сичқонларда 4,5 Гр дозада ва каламушларда 7 Гр дозада нурланишдан олдин К-19 и К-2 препаратларини бир марталик қўллашнинг мақбул вақтини аниқлаш учун 15 минут, 6, 16 ва 24 соат параметрлари ўрганилган. К-19 препарати бир хил дозада нурланишдан олдин қандай вақтда қўлланганига қараб турли хусусиятларни намоён этган. Жумладан, К-19 4,5 Гр дозали нурланишдан 15 минут ёки 6 соат олдин қўлланганда, нур самарасини атиги 2-8% га оширган, 16 ва 24 соат аввал қўлланганда эса 33-38% га нур таъсирини ошириб аддитив самара кўрсатган ва бунда ён таъсирларни нурга нисбатан камайтирган. К-19 ни (колхаминол) кичик дозада (52 мг/кг) қўллаганда нурнинг самараси ҳам камайган (24%). Нурланиш 3 Гр дозагача камайтирилиб К-19 нурдан 16 соат аввал 80 мг/кг ва 52 мг/кг дозаларда қўлланганда, нурланишга нисбатан потенцир таъсир кўрсатиб мос равишда 60% ва 52% га оширгани ва нурнинг ён таъсир белгиларини камайтиргани кузатилган. Олинган натижадан шундай хулоса келиб чиқадики, К-19 нинг 3 Гр нур билан биргаликдаги самараси 7,5 Гр нур самарасига тенг (98/98%), яъни препаратнинг нурнинг қуйи дозасида қўллаш орқали ҳам нурланиш самарасини 2-2,5 барабар оширишга ва бунда нур асоратларини камайтиришга эришиш мумкин.

К-2 препаратининг саркома 180 штამмали сичқонларга 6Гр, 4,5 Гр ва 3Гр бир марталик дозалардаги нурланишлар ўтказилгандаги натижалари К-19 препарати билан солиштирилган (2-жадвал).

Бунда 6 Гр нурланиш билан (82/83%) таққосланганда, К-19 ва К-2 нур таъсирини 17% га ошириши, ўсмаларнинг тўлиқ регрессияга учраши кузатилган, аммо шу билан бир қаторда нурланиш гуруҳидаги каби сичқонларнинг 25% ўлиши қайд этилган (К-2 нинг фақат ўзи қўлланилган гуруҳда ўлим ҳолати кузатилмаган). Иккала препарат 6 Гр нурланиш билан биргаликда қўлланганда ҳайвоннинг тана ва талоқ вазнининг ҳамда лейкоцитлар миқдорининг нурдагидек камаймаслигини кўрсатган.

К-19 ва К-2 препаратлари 3 Гр нурланиш билан биргаликда қўлланганда нурнинг таъсирчанлигини 50-54% га ошириши аниқланган. К-2 К-19 га қараганда нур самарасини 4-6% га кўпроқ ошириб, салбий ён таъсирлари камроқ кузатилган.

Худди шу каби тадқиқот Эрлих солид ўсмали сичқонларда К-2 препаратини таъсирини ўрганиш бўйича ҳам ўтказилган, бунда 4,5 Гр нурланишдан олдин турли муддатларда 150 мг/кг доза бир мартада юборилган. Нурланиш гуруҳига қараганда, К-2 15 минут ёки 6 соат олдин юборилгандаги гуруҳда нурланиш таъсири айтарли ўзгармаган, К-2 16 соат олдин юборилганда нурланиш таъсири ўсма ҳажмига кўра 34% га, ўсма массасига қараб 42% га ошганлиги кузатилган. К-2 24 соат аввал юборилганда нурланиш таъсири 34/40% га ошган.

**Саркома 180 штаммали сичқонларни 6 Гр, 4,5 Гр ва 3 Гр
нурлантиришда К-19 ва К-2 препаратларини
радиосенсибилизаторлик фаоллигини таққослаш (M±m)**

Гуруҳлар	Сичқон массаси (г)		Талок вазни (г)	ЎЎТ (%)		Жигар вазни (г)	Лейко- цитлар 10 ⁹ /л
	тажриба -дан олдин	тажриба- дан кейин		ҳажм /масса	регрес сия		
1. Назорат	21,0±0,81	25,3±0,91	0,4±0,03			1,7±0,07	9,9±0,77
2. Нур -7,5 Гр	21,8±0,71	23,4±0,77	0,2±0,02*	98/98	12,5	1,8±0,07	3,9±0,26*
3.Нур - 6 Гр	20,9±1,95	19,7±0,16*	0,2±0,04*	82/83	25	2,0±0,01*	3,3±0,33*
4. Нур - 4,5 Гр	19,5±0,31	18,4±0,14*	0,3±0,03*	67/66	12,5	1,9±0,01*	3,9±0,37*
5. Нур - 3 Гр	21,5±0,36	19,2±0,12*	0,3±0,03*	41/43		1,9±0,01*	4,6±0,43*
6.К-19 80мг/кг	25,0±0,5*	28,9±0,26*	0,4±0,03*	51/51		1,9±0,01*	5,6±0,48*
7.К-2 150мг/кг	22,0±0,28	23,4±0,14*	0,4±0,04	54/57		1,9±0,01*	5,5±0,49*
8.К-19 + Нур- 6 Гр	21,8±0,39	25,7±0,49	0,4±0,18	100	100	1,5±0,08*	4,9±0,49*
9.К-19+ Нур-4,5 Гр	20,4±0,57	23,1±0,19*	0,4±0,07	99/99	62,5	1,4±0,04*	5,2±0,25*
10.К-19 + Нур-3 Гр	22,0±0,36	24,6±0,92	0,4±0,03	91/91	12,5	1,8±0,12	5,7±0,45*
11. К-2 + Нур-6 Гр	20,9±0,86	21,6±0,18*	0,4±0,04	100	100	1,6±0,13	4,9±0,49*
12. К-2 + Нур-4,5 Гр	22,4±0,86	24,5±0,85	0,4±0,01	100/99	62,5	1,8±0,01	5,3±0,45*
13. К-2 + Нур-3 Гр	22,3±0,88	31,8±0,28*	0,5±0,02*	95/97	25	1,8 ±0,08	6,5±0,59*


Изоҳ: 1.* $P \leq 0,05$ бўлганда назорат билан фарқ статистик ишончли ҳисобланди. 2.Назорат гуруҳида $n=10$, тажриба гуруҳларида $n=8$.

Нурланиш дозаси 3 Гр гача камайтирилганда К-2 препаратини қўллаш амалда потенцир самара кўрсатган, яъни умумий эффект нур ва препаратнинг ҳар бирининг алоҳида қўлланишидан кўра кўпроқ. Бунда уларни биргаликда қўллаш самараси нурнинг 6 Грейдан ортиқроқ ва 7,5 Гр нурланиш эффектига яқин келган ҳамда бунда ҳайвонлар ўлими кузатилмаган. Бу ҳолат К-2 препаратини нурдан 16-24 соат олдин қўллаш юқори самара беришини ва салбий ён таъсирлар камайишини намоён этган.

Эрлих солид ўсмаларида 4,5 Гр ва 3 Гр нурланишдан олдин К-19 препаратини бир марталик юбориш (1-расм), 4,5 Гр нурланиш самарасининг 35/32% га ошишини, ўсмаларнинг кучли регрессиясини (50%) ва ҳайвонлар

ўлимнинг кузатилмаганлигини кўрсатган, 3 Гр нурланишда қўллаш эса ЎЎТнинг 43-51% ошиши ва ён таъсирлар камайишини кўрсатган. Саркома 180 ва ЭСЎда К-19 ва К-2 препаратларини бир марталик 16 соат олдин қўллаш, нурланиш таъсирини 4,5 Грейда 32-38% га саркома 180 да ва ЭСЎда 35-42% га, 3 Гр нурланишдан кейин эса 50-54% га саркома 180 да ва ЭСЎда 43-51% га ошишини таъминлаган.

Клиникада нур терапияси асосан кўп марталик режимда ўтказилишини назарда тутиб, К-19 ва К-2 препаратларини сичқонларнинг саркома 180 ва Эрлих солид ўсмаларида кўп марталик қўллаш режимида ўрганилган. Шу мақсадда препаратларнинг ўсмага қарши 50% самара берадиган дозалари учга бўлиниб, яъни К-19 27 мг/кг х 3 ва К-2 50 мг/кг х 3 режимларда қўлланган. Тадқиқотнинг иккинчи мақсади препаратларни кўп марталик қўллашда мақбул режимни танлаш бўлгани учун препаратлар нурланишдан олдин турли схемаларда, шу жумладан 3 кун препарат ва 3 кун нур режимида ҳам қўлланган.



1-расм. Эрлих солид ўсмали штаммали сичқонларда 4,5 Гр ва 3 Гр нурланишдан 16 соат олдин К-19 препаратининг 80 мг/кг ва К-2 препаратининг 150 мг/кг дозада қўллаш

Маълумки, бир марталик умумий нур дозаси биологик таъсирига кўра унинг учга бўлигани билан эквивалент эмас. Аммо, янги препаратларнинг радиосенсибилизаторлик фаоллигини ўрганишда нур терапиясининг қўллаш усулларида, шу жумладан амалиётда кенг тарқалган кўп марталик режим билан таққослаш зарурияти пайдо бўлди.


Нурланишдан 16 соат олдин К-19 препаратини қўллаш, уни схемада қўллаш каби 32-36% га нур таъсирини ошириб, нурланиш гуруҳидагига

нисбатан салбий ён таъсирларни камайтирган. К-2 препарати Эрлих солид ўсмали сичқонларга нур беришдан олдин схемада қўлланганда ўсманинг 100% лик регрессияси кузатилган бўлса, К-2 нурланишдан 16 соат олдин қўлланганда 62% регрессия. Иккала ҳолатда ҳам К-2 нурланиш таъсирини 46-43%га оширган ва юқори радиосезувчанлик кўрсатган.

Саркома 180 штаммали сичқонларда К-19 ва К-2 препаратларини 4,5Гр ва 3 Гр нурланишдан 16 соат олдин кўп марталик қўллашда, К-2 препарати нур самарасини 39/40%га оширган ҳамда тўлиқ ўсма регрессиясига эришилган. К-19 1,5 Гр х 3 режимда 38-39% га нур таъсирини ошириб, ўсманинг 75% регрессияси кузатилган. Кичик дозаларда нур беришда (1Грх3) препаратларни қўллаш нур самарасини 50% га ошириб, 25-50% регрессия кузатилган. К-2 кўп марталик қўллашда саркома 180 штаммасида К-19 га нисбатан анча юқори самара кўрсатган.

К-2 ва К-19 препаратларини таъсири 5-фторурацил билан Эрлих солид ўсмасига кўп марталик нур беришда солиштирилганда К-2 препарати К-19 га нисбатан самаралироқ экани намоён бўлган: 4,5 Гр нурланишда К-2 нур таъсирини 46-43% га ошириб, 75% регрессия кузатилган бўлса, К-19 45-42% самара кўрсатиб, 50% регрессия қайд этилган.

5-фторурацил (5-ФУ) самараси 20-22% ни ташкил қилиб, нурланишнинг ён таъсирларини камайтирмаган. Графикда (2-расм) К-2 ва К-19 препаратларининг 5-фторурацилга нисбатан нур билан биргаликдаги интенсив таъсирини кўриш мумкин.



2-расм. Сичқонларнинг Эрлих солид ўсмаларида К-2 ва К-19 ҳамда 5-фторурацилнинг нурланиш билан биргаликда қўлланилиши

Шундай қилиб, К-2 ва К-19 препаратларининг нур билан биргаликда қўлланганда 5-фторурацилга нисбатан юқори радиосенсибилизаторлик хусусияти намоён бўлган. Бунда иккала препарат ҳам етарлича ўсма ўсишини тўхтатиш ва нур салбий таъсирларини камайтириш хусусиятига эгаллиги ҳамда уларни хар гал нур беришдан олдин ёки аввал препарат юборилиб, сўнгра нур бериш тарзида ҳам қўллаш мумкинлиги аниқланган.

К-19 ва К-2 препаратларини радиосенсибилизаторлик таъсири Уокер карциносаркома ва саркома 45 ўсма штаммлари трансплантация қилинган каламушларда ҳам ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

Уокер карциносаркома штаммали каламушларда 7 Гр дозадаги нурланишдан олдин К-19 ва К-2 препаратларини турли муддатларда бир марталик қўллаганда радиосезувчанлик таъсири ($M \pm m$)

Гуруҳлар	До ри вақти	Каламуш массаси тажриба яқунида (г)	Ўсма ҳажми тажриба яқунида (г)	Ўсма массаси (г)	ЎЎТ V/m %	Талок массаси (г)	Лейко- цитлар $\times 10^9/\text{л}$
1. Назорат: ўсмали хайвонлар		89,0 \pm 8,29	30,7 \pm 3,9	28,8 \pm 2,95		1,0 \pm 0,26	9,8 \pm 0,35
2. Нур- 8,5Гр		86,7 \pm 2,74	4,2 \pm 1,79*	3,7 \pm 0,59*	86/87	0,4 \pm 0,04*	4,3 \pm 0,15*
3. Нур- 7 Гр		79,2 \pm 2,54*	13,3 \pm 1,66*	12,0 \pm 0,68*	57/58	0,5 \pm 0,15*	6,1 \pm 0,36*
4. К-19 50мг/кг		99,0 \pm 2,48*	16,0 \pm 1,89*	14,3 \pm 2,02*	48/50	0,9 \pm 0,04	9,3 \pm 0,94
5. Нур -7 Гр + К-19	15 мин	117,7 \pm 5,57*	13,0 \pm 1,69*	11,3 \pm 2,91*	58/61	0,8 \pm 0,07	7,5 \pm 0,64*
6. Нур-7 Гр +К-19	6 с	95,0 \pm 1,91*	8,4 \pm 1,17*	7,9 \pm 0,81*	73/73	0,8 \pm 0,05	7,7 \pm 0,62*
7. Нур -7Гр +К-19	16 с	97,0 \pm 3,74*	4,5 \pm 0,68*	3,9 \pm 0,51*	85/86	0,9 \pm 0,05	7,9 \pm 0,63*
8. К-2 100 мг/кг		137,6 \pm 5,12*	12,3 \pm 1,44*	10,8 \pm 1,18*	60/62	1,0 \pm 0,06	9,4 \pm 1,91
9. К-2 + нур- 7Гр	15 мин	118,8 \pm 7,34*	12,3 \pm 1,44*	10,8 \pm 1,28*	61/62	0,8 \pm 0,05	7,3 \pm 0,64*
10. К-2 + нур- 7 Гр	6 с	114,7 \pm 23,3*	7,4 \pm 0,97*	7,1 \pm 0,96*	76/75	0,8 \pm 0,17	7,6 \pm 0,61*
11. К-2 + нур- 7 Гр	16 с	135,3 \pm 4,15*	3,2 \pm 0,43*	3,2 \pm 1,27*	90/90	1,2 \pm 0,15	7,9 \pm 0,55*
12. К-2 + нур - 7 Гр	24 с	117,5 \pm 4,60*	4,4 \pm 0,51*	4,0 \pm 0,44*	86/86	1,0 \pm 0,15	7,8 \pm 0,45*

Изоҳ: 1.* $P \leq 0,05$ бўлганда назорат билан фарқ статистик ишончли ҳисобланган. 2. Назорат гуруҳида $n=8$, тажриба гуруҳларида $n=6$.

К-19 ва К-2 препаратларининг Уокер карциносаркомасида радиосезувчанлик таъсири бир марталик 7 Гр нурланишдан сўнг ўрганилганда, препаратлар бир хил дозада юборилган вақтига қараб турли сифатларни намоён этган.

Нурланишдан 15 минут олдин К-2 ва К-19 юборилганда нур таъсирини 3-5%, 6 соат олдин - 16-19% га оширган бўлса, 16 соат олдин юборилганда К-19 28-29% га, К-2 эса 32-33% га оширган, 24 соат олдин юборилганда К-2 ўсма ўсишини 28-29% га тўхтатган. Бу кўрсаткичлар саркома 180 штаммали сичқонларга нисбатан паст (33-38%), бундан ташқари сичқонларда нурланишнинг салбий таъсирлари ҳам камайган. Каламушларда нурланишдан 6 соат олдин қўлланганда 16-19% ЎЎТ кузатилган бўлса, саркома 180 ўсмали сичқонларда - атиги 7-8%, Эрлих солид ўсмаларида эса - 4-6%.

Қайд этиш керакки, нурланиш билан биргаликда препаратлар қўлланилганда ҳайвонлар ўлими кузатилмаган ҳамда нурланишнинг салбий таъсири камроқ кузатилган. Саркома 45 штаммларида нурланишдан 15 минут олдин қўлланганда янги препаратлар нур самарасини 13-14% га, 6 соат аввал қўлланганда 16-27% га оширган, бунда К-2 эффекти 2-5% юқорироқ экани қайд этилган. К-19 ва К-2 препаратлари 7 Гр дозадаги нурланишдан 16 соат олдин қўлланганда ўсмани ўсишини тўхтатиш кўрсаткичи К-19 да 47/45% ни, К-2 да 49/46% ни ташкил қилган, 16% ўсмалар регрессияга учраган. Саркома 45 ўсмаларида 6 соат олдин препарат қўлланган гуруҳда нур таъсири 23-27% га ошган. Шундай қилиб, К-19 ва К-2 препаратлари каламушларнинг саркома 45 ўсмаларида нурланишдан 16 соат аввал қўлланганда 92-90% ўсма регрессияси кузатилиб, нурланиш самарасини 49-45% га оширган. Бунда нурланишни салбий таъсирлари камроқ кузатилган. Икки тур ҳайвонлар ва 4 хил ўсма штаммларида К-19 ва К-2 препаратларини нурланишдан 16 соат олдин қўллаш энг мақбул вақт деб эътироф этилган, чунки айнан шу вақтда қўлланганда ўсманинг максимал регрессияси (29-36%) кузатилган. Бундан ташқари, нурланиш билан К-19 ва К-2 биргаликда қўлланилишида нурланишга нисбатан ҳайвонлар ўлими камайган, тана вазни ва талоқ массасининг камайиши каби белгилар камроқ кузатилган.

7 Гр доза нурланиш билан биргаликда К-19 ва К-2 препаратлари қўлланилгандаги самара 8,5 Гр нур самарасидан юқорироқ экани қайд этилган. Янги ўсмага қарши К-19 ва К-2 препаратларининг радиосезувчанлик хусусияти уларнинг 7 Гр нурланишдан олдин Уокер карциносаркомасида 16 соат олдин ўсма ичига юбориш вазиятида ҳам ўрганилган.

Препаратларнинг биргина ўзини интратуморал юборганда К-2 50/45% ва К-19 65/64% самара кўрсатган. Нурланишнинг К-2 билан биргаликда қўлланилишида аддитив эффект кузатилган, яъни нурланишдан кўра 22/21%

юқори самара қайд этилган. К-19 препарати 7 Гр нур эффектини 25% га оширган.

Шундай қилиб, УКС штаммасида иккала препарат ҳам интратуморал юборилганда етарлича радиосенсибилизаторлик таъсирини кўрсатган ва нурланишда кўп кузатиладиган тана вазнининг ва талоқ массасининг камайиш каби белгилари камроқ намоён бўлган.

Онкология амалиётида кимё ва нур терапиясининг гемопозни сусайтириши ва иммун танқислигини чуқурлаштириш маълум. Шу сабабли янги биологик фаол ўсмага қарши препаратларнинг нурланиш билан биргаликда экспериментал ўсмали ҳайвонларни даволаш учун қўллаганда уларнинг иммун тизимга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Саркома 180 штаммали сичқонларда К-19 ва К-2 препаратлари 4,5 Гр нурланишдан олдин 3 марталик қўллаганда иммунологик кўрсаткичлар интакт ҳайвонлар, ўсмали ҳайвонлар (К₂), фақатгина К-19 ва К-2 препаратлари юборилган ҳайвонлар ҳамда 3 марта К-19 ва К-2 препаратлари юборилиб 1,5Грх3 нурланиш олган ҳайвонларда таққосланиб ўрганилган (2-расм). Бунда интакт гуруҳдагиларга нисбатан ўсмали ҳайвонлар гуруҳида Т-лимфоцитлар (CD3+) ва уларнинг регулятор субпопуляциялари CD4+, CD8+ ва В-лимфоцитларнинг (CD19+) камайиши кузатилган. Нурланиш таъсирида CD16+ (табiiй киллер хужайралар) ҳамда CD95+ фоизининг камайиши аниқланган. К-19 ва К-2 препаратлари эса нурланишга нисбатан лейкоцитлар ва лимфоцитлар сонига камроқ таъсир кўрсатиб, CD3+ лимфоцитлар рецепторларининг ва CD16+ (табiiй киллер хужайралар) ингибициясини намоён қилган ва CD95+ миқдорини оширган. CD4+, CD8+, CD19+ рецепторлар экспрессиясида катта фарқ аниқланмаган. К-2 қўлланганда CD95+ миқдори ошган, аммо К-19 га нисбатан камроқ. Препаратлар қўлланган гуруҳда иммунологик кўрсаткичлар фақат нур олган гуруҳга нисбатан юқори бўлган, аммо интакт ҳайвонлар ва нур олмаган ҳайвонлар гуруҳига нисбатан иммун курсаткичлар тушган. К-19 ва К-2 препаратлари қўлланган гуруҳда нурланиш гуруҳига нисбатан CD4+, CD8+, CD19+ рецепторлар экспрессиясида сезиларни фарқ аниқланмаган. Препаратларнинг нурланиш билан биргаликда қўллаш нурнинг иммунитетга таъсирини камайтирган, жумладан лейкопения 31-36% га ва лимфопения 31-33% га ошган. Бундан ташқари, нурланиш гуруҳига нисбатан Т-лимфоцитлар (CD3+) ва уларнинг регулятор субпопуляциялари CD4+ и CD8+ и В-лимфоцитлар (CD19+), ҳамда CD16+ сони ошган, апоптознинг юқори даражаси қайд этилган, CD95+ кўрсаткичлари 40-50% га ошган. К-19 ва К-2 препаратлари нурланишнинг айниқса Т-хужайрали иммунитет фаоллигига камроқ таъсир кўрсатишини таъминлаган. Бунда К-2 нинг салбий таъсири К-19 га нисбатан камроқ намоён бўлган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, К-19 ва К-2 алоҳида қўлланганда ҳам, нурланиш билан биргаликда қўлланганда ҳам саркома 180 штаммали сичқонларда

радиосенсибилизаторлик хусусиятини намоён этиб, нурланишнинг ўсмага қарши таъсирини оширишга хизмат қилган ва нурланишнинг иммунитетга салбий таъсирини камайтиришда аҳамиятлидир. К-19 ни 40 мг/кг ва К-2 препаратини 100 мг/кг дозаларда алоҳида қўллаш иммун танқислигини чуқурлаштирган бўлсада, уларнинг нурланиш билан биргаликда қўллаш иммун тизим кўрсаткичларини оширишда ёрдам берган. Бу ҳолат ушбу препаратлар томонидан талокдаги колония ҳосил қилувчи бўлинмаларни стимуляцияси билан боғлиқлигини кўрсатган.

Экспериментда даволаш усулини баҳолаш учун Лавникова Г.А.(1978й.) таснифида патоморфоз даражаси ўрганилганда (расм 2), 4,5 Гр нур билан препаратлар олган гуруҳда патоморфознинг III даражаси (44,3%) ва IV даражаси (23,9%) кузатилган. К-19 ва К-2 препаратлари билан 3 Гр нур олган гуруҳда патоморфознинг III даражаси (39,3%) ва IV даражаси (33,4%) аниқланган.

Диссертациянинг «Колхаминол ва колхаметиннинг таъсир механизмига кўра хужайраларни бўлинишини синхронизацияловчилар типдаги потенциал радиосенсибилизаторлар сифатида ўрганиш» мавзусидаги олтинчи бобида К-19 ва К-2 препаратларини экспериментда таъсир механизми бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

